

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти
Ягона акциядорининг
3-сонли қарори

2025 йил “30” июнь

Тошкент шаҳри

“Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – Жамият) барча 14 999 832 119 дона акциялари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59-моддасига асосан, Жамият Устави ҳамда Кузатув кенгашининг 2025 йил 30 июндаги 10-сон йиғилиш баённомасига мувофиқ, қуйидаги масалалар кўриб чиқилди:

КУН ТАРТИБИ:

- 1. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.**
- 2. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик хулосасини кўриб чиқиш.**
- 3. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олган соф фойдасини тақсимлаш, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартибини белгилаш.**
- 4. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик эмитент ҳисоботини тасдиқлаш.**
- 5. Жамият Бошқарув раиси – Бош директори билан шартнома тузиш.**
- 6. “НКМК” АЖ Бошқарув меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш.**
- 7. Жамиятнинг 2024 йил учун Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил баҳоловчининг хулосасини кўриб чиқиш.**

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2024 йилда 13 маротаба мажлислар ўтказилиб, уларда 45 та масалалар жумладан, 11 та молиявий, 15 та ҳисоботларни маъқуллаш, 5 та корпоратив бошқарувга оид ички ҳужжатларни тасдиқлаш, 4 та ташкилий, 5 та молиявий маблағларни жалб қилиш ва 5 та бошқа масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинган.

Шунингдек, 2024 йилда Кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталарнинг йиғилишлари 7 маротаба ўтказилиб, уларда 13 та масалалар юзасидан Кузатув кенгашига таклифлар киритилган.

Жамият Уставининг 13.6-банди 18-кичик бандига мувофиқ Кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

1. Кузатув кенгашининг 2024 йил якунлари бўйича ҳисоботи 1-сонли иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи “Deloitte & Touche” ҳамда “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари”га мувофиқ тайёрланган молиявий ҳисоботи “TRI-S-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилотлари томонидан текширилиб, аудиторлик компаниялари томонидан молиявий ҳисоботлар барча муҳим жиҳатларда Жамиятнинг 2024 йил 31 декабрдаги молиявий ҳолатини, шунингдек, молиявий натижаларини тегишли стандартларга мувофиқ ишончли акс эттирилганлиги тўғрисида хулосалар тақдим этилган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

2.1. “Deloitte & Touche” аудиторлик компаниясининг 2024 йил учун “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари”га мувофиқ тайёрланган Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботи текшируви натижалари юзасидан тақдим этилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2.2. “TRI-S-AUDIT” МЧЖ аудиторлик компаниясининг 2024 йил учун “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари”га мувофиқ тайёрланган Жамиятнинг йиллик молиявий ҳисоботи текшируви натижалари юзасидан тақдим этилган хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонуни 44-моддасига мувофиқ, Жамиятнинг 2024 йилдаги хўжалик фаолияти натижалари, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар ҳамда бошқа корпоратив маълумотларни акс эттирувчи эмитентнинг йиллик ҳисоботи Кузатув кенгашининг 2025 йил 30 июндаги 10-сонли мажлис баёни билан маъқулланган.

Жамият Уставининг 21.5-бандига мувофиқ Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

4. Жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик эмитент ҳисоботи 2-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига мувофиқ Бошқарув аъзолари билан 3 йил муддатга шартномалар тузилиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки муддатидан олдин тугатиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши белгиланган.

Жамият Уставининг 13.6-банди, 13-кичик бандига мувофиқ Бошқарув раиси – Бош директорни тайинлаш, унинг ваколат муддатларини узайтириш ёки муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколати доирасига кириши белгиланган.

Кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан:

Кузатув кенгашининг 2025 йил 30 июндаги 10-сонли мажлис қарори билан халқаро консалтинг компанияларининг халқаро энг яхши тажрибалари асосидаги таклиф ва тавсияларига мувофиқ ишлаб чиқилган “НКМК” АЖ Бошқаруви меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги Низом маъқулланган.

Жамият Уставининг 13.6-банди 14-кичик бандига мувофиқ Бошқарув раиси – Бош директор ва Бошқарувнинг қолган аъзоларига тўланадиган ҳақ ва уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш, шунингдек уларга ўзгартириш киритиш масалаларини Кузатув кенгаши томонидан маъқуллангандан сўнг тасдиқлаш Жамият Акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади:**

“НКМК” АЖ Бошқаруви меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тўғрисида”ги низом лойиҳаси 3-сонли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги еттинчи масала юзасидан:

Мустақил баҳоловчи ташкилот - “Investment Management Group” томонидан Жамиятнинг 2024 йил учун корпоратив бошқарув тизими баҳолашдан ўтказилиб, баҳолаш натижаларига кўра, Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими жами 685 балл билан “юқори” деб топилган. Ушбу хулоса Кузатув кенгашининг 2025 йил 30 июндаги 10-сонли мажлис қарори билан маъқулланган.

Юқоридагиларга кўра, кун тартибидаги олтинчи масала юзасидан Жамиятнинг Ягона акциядори **қарор қилади**:

7.1. Мустақил баҳоловчи ташкилот - "Investment Management Group" МЧЖ томонидан тақдим этилган Жамиятнинг 2024 йил учун корпоратив бошқарув тизимини 685 балл билан "юқори" деб топилган хулосаси ахборот учун қабул қилинсин.

7.2. Мазкур қарор ижросини таъминлаш Жамият Бошқарув раиси – Бош директор Қ. Санақулов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Иқтисодиёт ва молия вазири
ўринбосари

 **Х. Мустафаев**